



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 8 (8248).

II январь

чоршанба

1984 йил

Баҳоси 3 тийин

Кеча Тошкентда ўнинчи чақирiq Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани ва Давлат бюджети муҳокама этилиб, тегишли қонун ва қарорлар қабул қилинди.



ТОШКЕНТ. 1984 йил, 10 январь. Суратда: ўнинчи чақирiq Ўзбекистон ССР Олий Совети тўққизинчи сессияси президиуми.

(ЎзТАГ фотоси).

## Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

10 январь куни Тошкентда ўнинчи чақирiq Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мухоматов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукуматининг аъзолари ҳукумат ложаларидан жой оладилар.

Ўзбекистон ССР раис депутат Қ. А. Аҳмедов Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақида доклад қилди. Ўзбекистон ССР молия министри депутат И. А. Қаримов Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва республика 1982 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақидаги масала юзасидан ақуловчи нуқта сўзлади. Ўзбекистон ССР молия министри депутат И. А. Қаримов Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва 1982 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги масала юзасидан ақуловчи нуқта сўзлади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани тўғрисида ҳамда Ўзбекистон ССРни 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планининг бажарилиши ҳақидаги қарорни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабаси союзлари республика Совети ва Ўзбекистон АКСМ Марказий Комитетида

### Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун республика социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касабаси союзлари республика Совети, Ўзбекистон АКСМ Марказий Комитети КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумларининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленумининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга доир қарорларида ўртага қўйилган вазифаларни амуулафойдаланиб бажариш мақсадида 1984 йилдан бошлаб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун республика социалистик мусобақасини ўтказишга қарор қилинган.

Шундан: Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бирлашмалар ва корхоналарни мукофотлаш учун иккита Қизил байроқ ва бу ишга ихтисослаштирилмаган бирлашмалар ҳамда корхоналарни мукофотлаш учун битта Қизил байроқ пул мукофотлари билан; министрликлар ва идораларни мукофотлаш учун битта Қизил байроқ, Қорақалпоғистон АССР, областлари ва Тошкент шаҳрини мукофотлаш учун битта Қизил байроқ пул мукофотлари билан;

бирлашмалар ва корхоналарнинг республика социалистик мусобақаси шартлари тасдиқланди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига, касабаси союзлари республика комитетлари ва область Советларига, бирлашмалар ва корхоналарга халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини янгилаш ва сифатини яхшилаш учун барча меҳнат коллективларида социалистик мусобақани кенг вақт олдириш, ишлаб чиқариш қувватларидан, ишлаб чиқариш шартларидан, маҳаллий хом ашё ва материаллардан янада тўла-тўқис фойдаланишга алоҳида эътибор бериш таъриф қилинди.

### ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ОШИРИШ, ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН ЎТКАЗИЛАДИГАН РЕСПУБЛИКА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ШАРТЛАРИ

Социалистик мусобақада Ўзбекистон ССР министрликлари, идоралари, Қорақалпоғистон АССР, областлари, Тошкент шаҳри, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган бирлашма ва корхоналар қетнашади. Социалистик мусобақа қатнашчиларининг куч-қайратлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, турларини кўпайтириш сифатини яхшилашнинг, шимма резервларни қидириб топшига, ишлаб чиқариш қувватларидан янада тўла-тўқис фойдаланишга, машина ва ускуналарнинг пиландан ортиқча қуратишни тугатишга, хом ашё, материаллар, ёқилги, электр энергия, меҳнат ва материал ресурсларини тежашга, аҳоли кўплаб талаб қилуватган молларни ишлаб чиқариш учун маҳаллий материаллардан ва ишлаб чиқариш чиқиларидан кенг фойдаланишга қаратилиши керак.

Тошкент шаҳри, министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар социалистик мусобақа гоилблари, деб топилди. Социалистик мусобақага ҳар кварталда яқун ясалди. Ҳисобот квартални мобайнидаги яқунларни чиқариш пайтида йил бошидан бери ўтган даврдаги иш натижалари ҳисобга олинади. Социалистик мусобақани яқунлаш учун материаллар ва гоилбларни кўчма Қизил байроқ билан мукофотлаш тўғрисидаги тақлифлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республика Советига:

маҳаллий хом ашё ва материаллардан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш; иш ҳақи фонднинг 1 сўми ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш; меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстириши (процент ҳисобига); савдо ташкилотларига халқ истеъмол моллари етказиб бериш планининг бажарилиши (минг сўм ҳажмида); жами ишлаб чиқариш ҳажмида давлат Сифат белгиси қўйилган халқ истеъмол молларининг салмоғи (процент ҳисобига); янгилик ва «И» индекси қўйилган ва сифати яхшилган халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш (минг сўм ҳисобига); етказиб берилган халқ истеъмол молларининг сифати хусусида олинган шикоятлар ва ишлаб чиқаришдаги брак микдори (бу кўрсаткичини министрликлар, идоралар, бирлашмалар ва корхоналар тақдим этади); стандартларнинг талабларига риоя қилмай етказиб берилган халқ истеъмол моллари учун тўланган жарима микдори (бу кўрсаткичини министрликлар, идоралар, бирлаш-

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРНИБОСАРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади: Ўртоқ Раъно Ҳабибовна Абдуллаева бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА, Тошкент шаҳри, 1984 йил 10 январь.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎРТОҚ Н. Р. РАЖАБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Олий Совети қарор қилади: Ўртоқ Назир Ражабович Ражабов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР қурилиш министри вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА, Тошкент шаҳри, 1984 йил 10 январь.

МАРТ 4 АҚШАНБА СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР ХАЛҚНИНГ ЯҚДИЛ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Халқ коммунистлар билан партиясизлар бузулмас блокнинг энг яқин вакиллари СССР Олий Совети депутатлигига ўз номдори қилиб кўрсатмоқда. Совет кишилари Янгиликларда партиясиз социалистик экономикани янада юксалтиришга, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган йўлини яқинлик билан қўллаб-қувватлаб йилги йил планини тўла бажарибгина қолмай шу билан бирга уни ошириб бажариш учун қўшимча резервларни қидиришга азму қарор қилганликларини билдирмоқдалар. Мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органи депутатлигига гоит хилма-хил касб эгалари номзод қилиб кўрсатилмоқда.

Хабаровск ўлкаси Советскай Гавань шаҳридаги Шимолний кемасозлик заводида бўлиб ўтган Янгиликлар кема корпуси қурувчилари Янгиликларнинг иختисослаштирилган бригадасининг бошлиги Владимир Викторевич Филиппин Шимолний сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. (Давоми тўртинчи бетда).





